

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ

Ш.Б.Назарова

СамДЧТИ в.б.доценти

Аннотация: Ушбу мақола ўзбек ва корейс тилларида конверсия ҳодисасининг таҳлилига бағишланган. Бу икки тилни қиёсий ўрганиш билан тиллардаги ўхшаш ва ноўхшаш томонлар очиб берилди. Икки тилдаги терминлар номуштараклиги очиб берилди. , “А + Б = АБ” типдаги линияли моделлар, “А ни Б га кўчириш”га асосланган линиясиз моделлари мисоллар орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: конверсия, туркумлараро кўчиш, 영 파생 кўшимчасиз ясаиш, “мустикал сўз→ёрдамчи сўз→аффикс морфема.

Корейс тилига эътибор ундаги изланишлардан маълум бўлмоқда. Бу каби изланишлар корейс тили мутахассисларининг тилни янада чуқурроқ ўрганишни мақсад қилганларидан дарак бермоқда. Бизнинг амалдаги мақоламиз ўзбек ва корейс тилларида конверсия ҳодисасининг тадқиқига бағишлангандир. Ўзбек ва корейс тилларида муайян бир лексик-грамматик категориядаги сўзнинг бошқа бир туркумга ўтиши билан боғлиқ транспозицион жараёнлар умумий тарзда “품사 전성 туркумлараро кўчиш термини билан юритилади. Туркумлараро кўчишнинг сўз ясаишига муносабати эса “морфологик-синтактик усул”, “전성 конверсия”, “영 파생¹ кўшимчасиз ясаиш (ноль деривация)” терминлари воситасида белгиланади [Ғуломов. 1975: 46, 서태룡. 2013: 124].

Ушбу терминлардан “영 파생 кўшимчасиз ясаиш” транспозицион жараёни нисбатан шаффоф ҳолда англаш имконини яратса-да, унинг метафора ва метонимия натижасида ҳосил қилинадиган ясамаларни ҳам қамраб олиши қайд этилган асимметрикка нисбатан бевосита қўллаш имконини чеклайди. Шунингдек, қиёсланаётган тилларда асос сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармагани ҳолда бошқа туркумга ўтиб, янги сўз ҳосил қилиши назарда тутилгани ҳолда, ушбу номинатив транспозитлар 품사 전성 конверсия термини (лот. “conversion” айланиш, ўзгариш) билан ҳам юритилади.

Конверсив транспозиция турли туркумга мансуб сўзларнинг синтактик курсовдаги доимий узвийлиги туфайли юзага келадиган асимметрик имплекацияни икки категорияга мансуб сўзларга хос маъно ва вазифани улардан бирида уйғунлаштирган ҳолда номинатив мақсадни рўёбга чиқариш воситасидир. Ушбу восита номинатив мақсадни рўёбга чиқарувчи туркумлар иштирокига кўра: 전성명사 субстантивация, 전성대명사 прономинализация, 전성동사 вербализация,

¹ 영 파생·零派生, zero derivation. 하나의 형태가 두 가지 품사로 쓰이는 현상에 대해 어떤 품사가 그 형태의 기본적인 것이고 다른 품사는 이를 바탕으로 형태가 실현되지 않는 영 접사가 결합하여 만들어지는 것으로 보아 이를 ‘영 파생’이라고 함. -Бир шаклнинг икки бўлак сифатида қўлланиш ҳодисасида асосий шакли аффиксларининг иштирокисиз ҳосил бўлишига ноль деривация дейилади. 고영근 구분관. 우리말 문법론. 집문당. 서울. 2010:563. 593 p.

전성형용사 адъективация, 전성부사 адвербиализация каби усуллардан таркиб топади.

Ўзбек ва корейс тилларида конверсив транспозиция, хусусан, субстантивациянинг воқеланиши қайд этилгани каби муштаракликларга эга бўлса ҳам, уларнинг лисоний талқинида алоҳида муҳокама қилиш зарур бўлган изоҳталабликлар кузатилади. Хусусан, ўзбек тилидаги дифференциал ёндашув транспозицияни нутқ ҳодисаси, лексикализацияни эса тил ҳодисаси сифатида тафовутланишига олиб келганидек, “ $A + B = AB$ ” типидagi линияли моделларни сўз ясалишига бевосита дахлдор, “ A ни B га кўчириш”га асосланган линиясиз моделларни эса дахлсиз деб баҳоланишига ҳам сабаб бўлган [Ҳожиёв. 2007: 8].

Шунингдек, конверсив ясамаларни “кўчишининг кучсизлиги, синтактик-контекстуал ҳолатнинг максимал роль ўйнаши” ҳамда “одатдаги ҳол тусига кирган, ўзлашган, умумлашган, яқка ҳолда ҳам ҳар икки томонни, ясама учун асос бўлган элементни ва ясаиб чиққан элементни эслатиб туриши”га кўра окказионал ва узуал турларга ажратилишида ҳам мазкур ёндашувнинг таъсири ўз аксини топади [Ғуломов. 1975: 51].

Юқорида қайд этилганидек, умумий тилшуносликка оид манбада метафора ва метонимия сингари конверсия (транспозиция) ҳам “ A ни B га кўчириш” асосида номинатив эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган семантик воситалар сирасига мансуб [Кубрякова. 1986: 368]. Бу нуктаи назарга кўра, *Ўқиган ўқдан ўзар, Яхши топиб гапирар* мақолларидаги “*ўқиган ва яхши*” каби функционал транспозитлар, “*кўк, кўр, кар, бой, камбагал, чол, кампир*” субстантиватлар ҳам “ A ни B га кўчириш”га асосланувчи моделга дахлдор ҳосилалардир. Синтактик қуршовда эллипсисга учраган ҳоким компонентга хос маъно ва вазифани транспозитив позиция тақозосига кўра эргаш сўз зиммасига юкланган ҳолда уйғунлашуви уларнинг кўчиш билан алоқадорлигидан дарак беради.

Ўзбек тилидаги дифференциал тамойил қайд этилган муҳокама талабларидан ташқари транспозициянинг номинатив ва грамматик мақсадлар ифодаси билан боғлиқ икки турини ажратиб ўрганиш муайян қулайлик яратиши билан ҳам характерланади. Мазкур қулайлик сўз юритилаётган ҳодисани “*품사 전성* туркумлараро кўчиш”, “конверсия”, “*영 파생* кўшимчасиз ясалиш (ноль деривация)”, “*품사 통용* туркумлар кенг кўлланиш”, “*통합(統合)* бирлашиш” каби хилма-хил терминлар билан юритилиши ҳамда унинг тамомила рад этилишига сабаб бўлган корейс тилидаги функционал-позицион ёндашув билан қиёсланганда янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Корейс тилида устувор бўлган функционал-позицион тамойил конверсияни номинатив ва грамматик типлар доирасида эмас, балки “мустақил сўз→ёрдамчи сўз→аффикс морфема” изчиллигида талқин этишни талаб қилади. Манбаларда ушбу ҳодисанинг воқеланиш кўламини: “*명조류* отдан келишиқ кўшимчасига кўчиш, *수관류* сондан атрибутив сўзга кўчиш, *형동류* сифатдан феълга кўчиш, *부감류* равишдан ундовга кўчиш, *명관류* отдан атрибутив сўзга кўчиш, *명부류* отдан

равишга кўчиш, 부명류 raviшдан отга кўчиш, 대부분 олмашдан raviшга кўчиш, 조부류 келишик кўшимчасидан raviшга кўчиш” кабилар туркумлар ва кўшимчалараро қоришиқликда белгиланиши ушбу ёндашув билан боғлиқдир [남기심·고영근. 2011: 187; 표준국어대사전편찬지침 II. 2014: 27].

Мазкур ходисага 품사 전성 конверсия” нуктаи назаридан баҳо берилган изланишларда у “품사 통용 туркумлар кенг кўлланиш”, “통합(統合) бирлашиш” сифатида баҳолангани ҳолда “иккитадан ортиқ лексик-грамматик белгини битта сўзда мужассамланиши” сифатида изоҳланиши ҳам кузатилади [최호철. 2000: 72]. Бироқ, қайд этилган функционал-позицион тавсиф туфайли транспозитларга хос ушбу композитив уйғунлик номинатив ва грамматик мақсад ифодалари билан боғлиқ ҳолда фарқлаб ўрганилмайди.

Шу боис, конверсиянинг номинатив мақсад ифодаси билан боғлиқ юқорида қайд этилган усуллари қаторига 전성관형사 атрибутли кўчиш, 전성감탄사 ундовга кўчиш, 전성조사 кўшимчага кўчиш кабилар ҳам киритилади [구본관.2010: 256]. “표준국어대사전편찬지침 II Стандарт тил катта изоҳли луғатининг иккинчи нашри”да: *비교적 고찰* қиёсий ўрганиши, *비교적 연구* қиёсий тадқиқ қилиши, *비교적인 관점* қиёсий нуқтаи назар кабилар мисолида атрибутив сўздан отга кўчиш қайд этилган бўлса-да, улар ўзбек тилидаги сингари алоҳида тадқиқот объекти сифатида эмас, конверсиянинг субстантивация усули сифатида изоҳланади [손성락.2012: 27].

Корейс тилида конверсиянинг усуллари билан бири сифатида эътироф этиладиган субстантивация номинатив мақсадни турли туркумларни отга кўчириш асосида рўёбга чиқариш воситаси бўлиши билан бирга, мураккаб ҳамкорлик асосида воқеланувчи кўп босқичли восита экани билан ҳам характерланади [Исмаилова. 2006: 89-92.// file:///C:/Users/User/Downloads/k-probleme-razgranicheniya-substantivatsii-i-konversii]. Бирикма таркибидаги аниқловчининг эллипсисга учраши ва унга хос маъно ва вазифани семантик-грамматик компрессияланган ҳолда аниқловчининг зиммасига юкланиши натижасида вужудга келадиган композит маъноли нутқий субстантиватлар ҳамда уларнинг муайян вақт оралиғида лексикализациялашган ҳолда ясама от мақомига эга бўлиши шундан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исмаилова Д.Б. К проблеме разграничения субстантивации и конверсии. 2006. -№5. 89-92 с. / file:///C:/Users/User/Downloads/k-probleme-razgranicheniya-substantivatsii-i-konversii%20(1).pdf

2. Байматова, М. (2022). Проблема перевода и адаптации непереводаемой терминологии (на примере английского и корейского языков). Анализ актуальных проблем, инноваций, традиций, решений и художественной литературы в преподавании иностранных языков, 1(01), 190-192

3. Кубрякова. Е.С. *Номинативный аспект речевой деятельности*. –М.: Наука, 1986. -156 с.

4. Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология I том. –Т.: Фан, 1975. – 612 б.
5. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2007. –168 б.
6. Эшимова, Ш. К. (2022). Personifikatsiya orqali obrazning yaratilishi. *Международный журнал искусство слова*, 5(4).
7. Shuxratovna, B. S. (2022). Koreys adibasi pak van so ijodining o 'ziga xosligi xususida. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 56-59.
8. Назарова, Ш. (2017). О масштабе реализации феномена транспозиции. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 2(3 (64)), 83-87.
9. Furkatovna, B. I., & Farxodovna, A. Z. (2023). Koreys va o'zbek tillarida hurmat ma'noni ifodalovchi maqollarning qiyosiy tahlili. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1(5).
10. Камарова, М. (2022). Koreys va o'zbek tillarida so'z yasovchi qo'shimchalar orqali so'z yasalishi qiyosiy tadqiqotidan ta'limda foydalanish. *Ученый XXI века*, (7 (88)), 34-41.